Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 28-mart, payshanba
№ 38 (14529)



Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат

## НАВРЎЗ — ГЎЗАЛЛИК ИФОДАСИ

*Бу йилги Наврўз бахт ва орзуларга интилиб камол топаётган навоийлик ёшларга ҳам олам-олам қувонч ва завқ келтирди.*

*Эрта тонгданоқ А. Навоий номли маданият ва истироҳат боғи ёшлар билан гавжумлашди. Вилоят ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши байрамда ёшларнинг мароқли дам олиб, спорт ва бадиий-маърифий тадбирларда фаол қатнашишини таъминлади. Уч юз дан зиёд ташкилот, идора ва муассасалар томонидан қурилиб, жиҳозланган павильонлар миллий қадриятларимизга оид шиорлар билан безатилди.*

*“Маънавият” боғида Нурота, Хатирчи, Навбаҳор, Қизилтепа, Кармана, Конимех туманларининг фольклор-этнографик ансамбли ҳамда ёшларнинг севимли хонандаси Азиза Ниёзметова ижросида катта байрам концерти намойиш этилди.*

*“Навоий азот”, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамкорлигида кураш бўйича Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари полвонлари ўртасида ўтказилган мусобақа таассуротларга бой бўлди. Энг қувончлиси, боғда 150 ўринли “Алпомиш” спорт соғломлаштириш маркази янги биносининг тантанали очилди ҳамда ёшларимиз ихтиёрига топширилди.*

*Ҳа, Наврўз айёми шодиёналари миллий маънавиятимизни намоён этганлиги, кончилар ва кимёгарлар шаҳрида ўтказилган тадбирлар шаклан ранг-баранг, қизиқарли бўлганлиги осмонимиз мусаффолиги, ёшларимиз мустақил Ватанимизнинг бахтиёр фарзандлари эканлигидан далолатдир.*

Моҳинисо ПЎЛАТОВА

«Камолот» hududi

## ЁШЛАР ШИЖОАТЛИ, ҒАЙРАТЛИ

“Дўстлик” туманида эллик минг аҳоли истиқомат қилса, шундан йигирма саккиз мингини ёшлар ташкил қилади. Мирзачўл кенгликларида жойлашган ушбу туман ёшлари эришаётган муваффақиятлардан вилоят аҳли фахрланиб юришади. Бунинг сабаби бор албатта.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати “Дўстлик” тумани Кенгаши раиси Камолиддин Эгамов қўлидаги бир даста ҳужжатларини кўрсатиб:

— Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, соғлом, баркамол авлодни вояга етказишда, озгина бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшайлик деб юрибмизда, - деб қолди.

Қизиқсиниб ҳужжатларига кўз югуртирдим: ёшлар ўртасида каратэ-до спорт тури бўйича “Туман ҳокимлиги кубоги” учун туман биринчилигини ўтказиш мақсадида тузилган қўшма қарор. Туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, жангчи фахрийлар “Ветеран” уюшмаси ва албатта, биринчилик ташаббускори Ҳаракатнинг туман Кенгаши қарорга муҳр босиб, тасдиқлаган. Тўғриси, бундай биринчиликлар республикамиздаги саноқли туманларда ўтказилишини тан олиш керак.

— Шаҳримизнинг ўзида еттита спорт зали, очиқ теннис корти, коллежларимизда иккита тўлиқ талабга жавоб берадиган ўйингоҳ мавжуд. Биз туман ёшларининг спортга қизиқишларини кучайтириш мақсадида ҳар бир спорт мусобақаларини молиялаштириб борамиз. Ташкилий масалалар билан эса “Камолот”чилар шуғулланмоқда. Натижа чакки эмас, 4-мактаб ўқувчилари республика миқёсида ўтказилаётган “Қувноқ стартлар” мусобақасининг ярим финал босқичига чиқишди. Уларни 8-март куни қабул қилдик, қизларга байрам совғалари, ўғил болаларга пул мукофотини — онажонларингга совға оласизлар, деб тақдим қилдик. Олим Равшановни танисангиз керак, бизнинг тумандан. Россиянинг Тверь шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган Миллий кураш биринчилигида жаҳон чемпиони бўлди. Қолаверса, каратэ-до бўйича “Туман ҳокимлиги кубоги” мусобақаси учун 460 минг сўм ажратганмиз,” - дейди “Дўстлик” тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Азимқул Ғаппоров.

Жиззах вилоятида ўтказилган таэквандо бўйича республика очиқ биринчилигида тумандаги 8-мактаб ўқувчилари — 11 ёшли Гўзал Раҳмонова 30 кг. вазнда учинчи ўринни, 14 ёшли Элёр Аминов 50 кг. вазнда биринчи ўринни эгаллаганликлари ҳам бежиз эмас.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши раиси Камолиддин Эгамов бизга туман ёшлари ўртасида “Гиёҳвандлик — аср вабоси” шиори остида “Туман прокуратураси кубоги” учун волейбол мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қўшма қарорни узатди.

Тўғриси, “Туман прокуратураси кубоги”, деган сўз менга ғаройиб туюлди. Балки туйқус эшитаётганим учундир. Ҳаракатнинг туман Кенгаши А. Турсуновга расман ташаккурнома тақдим этибди.

— Туманимизда ўн саккиз мактаб, икки коллеж бор. Биз ҳар бир ўқув даргоҳи учун паспорт тизимини жорий этганмиз. Шунга қараб мактабларнинг аҳволини, ўқувчиларга яратилган шарт-шароитларни имкон қадар аниқлаб, камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

Республика “Камолот”и жойларда оддий спорт майдонларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. “Бунёдкор” қишлоқ фуқаролар йиғинида “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!” фестивалини ўтказиш жараёнида футбол мусобақасини ўтказишга қарор қилдик. Ёшларимиз шижоатли, ҳаракатчан, уларга озгина туртки керак. Ёшларнинг ўзлари трактор, бульдозерлар топиб келишди, атрофини бетон-тўсиқлар билан ўраб чиқишди. Ажойиб футбол ўйингоҳи бунёд этилди. Энг асосийси, “Камолот” ташаббусининг илк ижрочиларидан бири биз бўлдик.

Туман прокуратурасининг ёшларга алоҳида эътибор қаратаётганидан мақсад — туманда соғлом муҳитни ташкил этишдир. Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандликнинг олдини олиш бош вазифамиз. Рўйхатда турадиган ўн олти нафар ўспиринлардан ўн иккитасини спорт тўгаракларига жалб қила олдик.

Албатта, ёшлар билан ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бизга ҳамкор, ҳамнафас бўлаётган “Камолот”чилардан хурсандмиз, - дейди туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Акбархон Турсунов.

**— Тўғри, ёшларни оммавий равишда спортга жалб этишнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Уларда қизиқиш уйғотишда қандай йўл тутаяпсизлар?**

— Бошида қийинчиликлар ҳам бўлди. Кейинчалик туман миқёсида ғолибликни қўлга киритган жамоа аъзоларининг ҳар бирига спорт кийим-кечаклари совға қила бошладик. Пул мукофотлари ҳам жорий қилдик. Ҳар бир мусобақага махсус кубоклар ташкил этдик.

Излаган имкон топади, деганларидек, ёшлари соғлом вояга етаётган туманнинг эртаси ёруғ бўлади. Қонун устуворлиги йўлида қилинган ҳар бир иш беиз кетмайди.

Биз ёшлар суянчимиз, келажагимиз эгалари, деймиз, келажак эгаларининг баркамоллиги мамлакатимиз равнақининг таянч нуқтасидир. Бунинг учун эса ёшларга эътибор зарур, озгина кўмак, тўғри йўлни кўрсата олсак, бас.

**Юсуф ЖЎРАЕВ,**
**«Turkiston» мухбири**

### БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА

Республикамиз муайтайчилари ҳам Наврўз айёмини ўзига хос тарзда кутиб олдилар. Улар Қозоғистонни Алмати шаҳрида бўлиб ўтган муайтай бўйича Қозоғистон Республикаси Президенти кубоги турнирида муваффақиятли иштирок этиб қайтишди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудидан 200 нафардан зиёд кучли муайтайчилар қатнашган ушбу мусобақада ўн бир нафар спортчимиз ҳам иштирок этди. Тошкентлик Шерзод Шарипов, Бахтиёр Аҳмедов, самарқандлик Жаҳонгир Мамаризаев, Зариф Тожиев ва сурхондарёлик Озодбек Қосимовлар турнирнинг олтин медалини қўлга киритишди. Шунингдек, яна беш нафар ўзбекистонлик муайтайчи кумуш ва бир нафар спортчимиз бронза медалига сазовор бўлишди. Вакилларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, Қозоғистон Президенти кубоги соҳиби бўлишди.

**В. БОЙМУРОДОВ**

## ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Ҳаракатнинг Тошкент Молия институтидаги бошланғич ташкилоти ва “Кундала” тиббиёт маркази ҳамкорлигида “Ёшлар — гиёҳвандлик ва СПИДга қарши” мавзуида талабаларнинг очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган “Кундала” тиббиёт марказининг Тошкентдаги филиали бош директори Бахтиёр Хўжаев бугунги кунда ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, унинг тарқалиши ва зарарли оқибатлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Мазкур тадбирда иштирок этган барча талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга тўла жавоб олдилар. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда, гиёҳвандлик ва СПИД каби офатлардан огоҳ бўлган ёшлар келажакда баркамоллик учун илм олишга сўз беришди.

Тадбирда намойиш этилган “Гиёҳвандлик — ёвуз иллат” мавзуидаги видеолавҳа барчани ҳаяжонга солди. Улар мазкур иллатнинг инсонни мудҳиш тубанликка бошлашини ўз кўзлари билан кўрдилар.

**Носир МАҲАММАДЖОНОВ**

* * *

“Қарияларни қадрлаш йили” муносабати билан Ҳаракатнинг Фарғона вилоят Кенгаши томонидан кенг кўламли тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шулардан бири яқинда “Кексалар дуосини олайлик” шиори остида ўтказилди. Ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, юқоридаги ташаббусга ўқувчи-талабаларни ҳам жалб этиш, ёлғиз кексаларни оталиққа олиб, уларнинг ижтимоий-маиший ва моддий муаммоларини ҳал этишда ҳомийлик қилишни Ҳаракатнинг вилоят бўлими ўз зиммасига олган. Бундан ташқари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда кексаларнинг ҳаётий тажрибалари бебаҳо аҳамиятга эга эканлигини чуқур ҳис қилган ҳолда ўқув юртлари, маҳаллаларда суҳбатлар, учрашувлар ўтказилаётир.

Шунингдек, ёшларнинг кексалар билан доимий учрашувларини ташкил этиш мақсадида “Таъзим” мавзуида бир қанча тадбирлар режалаштирилган.

* * *

Ҳаракатнинг Қува туман Кенгаши томонидан туман марказидаги Истироҳат боғида ёшлар ташаббуси билан ҳашар ўтказилди. Наврўз байрами арафасида ўтказилган ҳашарда йигирма олти нафар йигит-қиз иштирок этди. Ариқлар тозаланди, ерлар юмшатилиб, гул экишга тайёрланди. Юздан ортиқ кўчатлар экилиб, йўлак четидаги тўсиқлар оқланди.

Ҳашарчиларга туман маданият бўлими томонидан қизиқарли концерт дастури намойиш этилди.

**Ботир ОМОН**

* * *

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Боёвут тумани Кенгаши ташаббуси билан халқ таълими, мудофаа ишлари бўлими ва Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ҳамкорлигида “Шунқорлар” спорт мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Марказий ўйингоҳда бўлиб ўтган мусобақада туманнинг 45 га яқин ўрта мактаб, коллеж ва лицей-интернат ўқувчилари ҳуқуқий билимлари, саф тортиш, жисмоний тайёгарлик, тиббий ёрдам турлари бўйича куч синашишди.

Якуний натижаларга кўра, Абу Али ибн Сино номли лицей-интернатининг “Шунқорлар” гуруҳи ғолиб деб топилди ва вилоят босқичига йўлланма олди. Ғолиблар фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**М. ОРЗУҚУЛОВ**

* * *

Тошкент Давлат маданият институтида Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти ташаббуси билан қизиқарли тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда душанбадан шанба кунига қадар спорт мусобақалари, талабалар ётоқхонасидаги энг яхши хона, энг яхши қўшиқ ва шеърлар кўрик-танловлари ўтказилди.

Бу каби танловларда халқ бадиий ижодиёти ҳамда касбий педагогик тайёргарлик факультетлари юқори ўринларга эга бўлишди. Шеърлар танловида С.Эрматова, энг яхши қўшиқ танловида эса Т. Пўлатовлар ғолиб бўлишди.

Ҳафталикнинг ёпилиш маросимида Ҳаракатнинг Мирзо Улуғбек тумани олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бошланғич ташкилотлари раисларининг мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Туман Кенгаши раиси Ш. Қўчқоров ташаббуси билан ўтказилган мажлиснинг ўқув юртларида ўтказилишидан мақсад бошланғич ташкилотлар раислари ўзаро тажриба алмашишлари, камчиликларни бартараф этишлари ҳамда ўқув юртлари бошланғич ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишишлари учун имконият яратишдир.

**Дилноза МЎМИНОВА**

* * *

Ҳаракатнинг Навоий вилоят Кенгаши ташаббуси билан “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари, вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда оқсоқоллар, Ҳаракатнинг туман ва шаҳар Кенгашлари раислари иштирокида “Қарияларни қадрлаш йили” дастури бўйича иш олиб борувчи “Маслаҳат кенгаши” тузилганди.

Режа асосидаги биринчи тадбир Навоий шаҳар “Истиқлол” маҳалласидаги 10-мактабда “Навоийдонмаҳсулотлари” қабул қилиш корхонаси ташаббуси ва ҳомийлиги билан ўтказилди. Унда мактаб ўқувчилари, маҳалла фаоллари, кекса отахон ва онахонлар билан учрашдилар, кексаларнинг бой ҳаётий тажрибалари, ота-онани ҳурматлаш, эъзозлаш, эзгу анъаналаримиз борасида сўз юритилади.

Шундан сўнг ёшларнинг шаҳардаги “Фарҳод” маданият саройида вилоятдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари оқсоқоллар, онахонлар, меҳнат ва уруш фахрийлари иштирокидаги “Икки авлод учрашуви” уюштирилди.

— Кексаларни ҳурматлаш бизнинг, қолаверса, ёшларнинг бурчидир, — дейди Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Фурқат Тўраев. — Шу боис ҳам ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларни ҳамфикрликка, уюшқоқликка, миллий анъаналаримизни қадрлашга ўргатади.

**Шакарбек КАЗАКОВ**

## БЕВОСИТА МУЛОҚОТЛАР САМАРАСИ

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи мазмун — моҳиятини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга расмий сафари натижаларини аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарғиб этиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда Республика бўйича мафкуравий тарғибот гуруҳларини тузиб, чекка қишлоқ туманлари, аҳоли яшаш жойлари ва маҳаллаларда тушунтириш ишларини олиб боришни йўлга қўйди.

Ана шундай тарғибот гуруҳларидан бири Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, Денов тумани марказий шифохонаси, ёғ-мой заводи ишчи-хизматчилари, педагогика коллежи талаба ва ўқитувчилари ҳамда маҳалла оқсоқоллари, Шўрчи тумани фаоллари, “Шўрчи ун маҳсулотларини” ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари, Деҳқонобод ва Ғузор тумани аҳолиси ўртасида бир қатор тадбирлар ўтказди.

**Шаҳноза ҚОДИРОВА**

## БИЛДИРИШ

2 апрель сешанба куни соат 14:30да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Онажоним, шеърият” тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлади.

Машғулотни Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али бошқаради.

Барча ёш ижодкорлар ва адабиёт ихлосмандлари таклиф этилади.

## ВАРРАКЛАР САЙЛИ

Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ва Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида шаҳримиздаги “Боғи Эрам” маданият ва истироҳат оромгоҳида ўтказилган республика миқёсидаги “Варраклар” сайли ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 60 дан зиёд иқтидорли ўқувчилар ўзлари тайёрлаган турли ҳилдаги варраклар билан иштирок этдилар.

Машҳур эстрада гуруҳларининг чиқишлари эса байрамга янада файз киритди.

Кўкка парвоз қилган лайлак, қуроқ ва қалдирғоч рамзли турли-туман катталикдаги варраклар орасида, айниқса, Ўзбекистонимиз байроғи акс эттирилган варрак алоҳида кўзга ташланиб турди.

Республика Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотидан ташриф буюрган тажрибали ҳакамлар эса варраклар парвозини синчковлик билан кузатиб турдилар. Мусобақа ниҳоясида ғолиб ўқувчилар Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Хуршид РЎЗИЕВ**

XXI аср — ёшлар асри



Умида ЙЎЛЧИБОЕВА, Тошкентдаги 224-мактаб ўқувчиси

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Муҳиддин АБДУСАМАТОВ, ЎзМУ журналистика факультети 3-курс талабаси



Янги дунё — ёшлар дунёси

«Turkiston»га обуна бўлинг! Нашр индекси — 203

«Обуна давом этади» танловида қатнашишни истаган ёшлар «Turkiston»га обуна бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси ҳамда ўз фотосуратларини жўнатишларини сўраймиз.

